Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти
КУТУБХОНАСИ

ХАЛҚАРО АНЖУМАН БОШЛАНДИ — 2-бет
МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА — 3-бет
ЭЛЛИК ЙИЛЛИК ҚАДРДОНЛАР УЧРАШДИ — 7-бет
«МЕҲРЖОН» САЙЛИ ЎТКАЗИЛАДИ — 8-бет

ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 179 (10.234) / 2004 ЙИЛ 16 СЕНТЯБРЬ

## ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 сентябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди.**

Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида МДҲнинг муҳим ва аҳамиятли тузилма эканлигини таъкидлади. У айниқса Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўртасидаги коммуникация, жумладан, ҳаво ва темир йўл транспорти алоқаларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Мана шунинг ўзи ҳам МДҲнинг керакли ва аҳамиятли эканини кўрсатиб турибди.

Аммо, МДҲ фаолияти бундан ҳам самаралироқ бўлиши мумкин эди. Сиёсий ва ҳарбий масалалар билан бирга иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўпроқ эътибор қаратилганида, тузилмага аъзо мамлакатлар учун янада фойдалироқ бўларди.

Остона саммитида мана шу масалалар, яъни иқтисодий ҳамкорлик ва хавфсизликка доир муаммолар кенгроқ ва атрофлича муҳокама этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*

*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари 2004 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2004 йилнинг 26 декабрида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни қонун ҳужжатларига, умум эътироф этилган халқаро норма ва андозаларга тўла мувофиқ ҳолда самарали тайёрлаш ва ўтказишни таъминлаш, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда уларга ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117- моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2004 йилнинг 20 сентябридан бошланиши эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирларнинг календарь режаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича битта сайлов округи учун сайловчилар нормаси ўртача 119,6 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов округлари тузилсин ҳамда уларнинг рўйхати округ чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда 2004 йилнинг 12 октябрига қадар эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 17 октябрига қадар тузилсин.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

*Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар*

### Мамлакатимизда

**• Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус кеча Бухоронинг диққатга сазовор жойлари билан танишгач ватанига жўнаб кетди.**

**• «Ал-Хоразмий» Халқаро илмий жамияти Хоразим вилоятида нодавлат-нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида вилоятдаги кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш тадбирларини бошлаб юборди.**

**• Самарқанддаги «Қонун» адвокатлик фирмасининг «Евроазия» жамғармаси, АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги, Америка юристлар ассоциацияси билан ҳамкорлик ўрнатиши натижасида фирма томонидан фуқароларга бепул хуқуқуий маслаҳат ва ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.**

### Жаҳонда

**• БМТнинг экология бўйича мутахассислари атроф-муҳитнинг ифлосланиши бўйича Ироқ ҳудудини текширувдан ўтказишни режалаштирмоқда.**

**• Чехия ҳукумати Ироқда ўз ҳарбийлари бўлиши муддатини келгуси йилнинг 28 февралига қадар узайтиришини билдирди.**

**• Мамлакат ҳудудига наркотикларни контрабанда йўли билан киритгани учун Саудия Арабистонида маҳаллий чегара хизматининг 3 нафар ходими қатл этилди.**

**• Швециянинг жанубий қисмида темир йўл фалокати рўй берди. Юк машинаси ва поезднинг тўқнашиб кетиши натижасида 5 киши ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб йўловчилар жароҳатланди.**

## ЖИНОЯТЧИЛАР ЖАҲОННИ ВАҲШИЙЛИК ДОМИГА ТОРТИШМОҚЧИ

**Жорий йилнинг 11 сентябрида Исроилнинг Херзлие шаҳрида «Терроризмнинг халқаро кўлами» тўртинчи халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда нутқ сўзлаган ГФР ички ишлар вазири О.Шили XXI аср бошида инсоният яна ибтидоий замонларга қайтарилмоқда, қонхўр террорчилар барча маънавий қадриятларни оёқ ости қилишмоқда, дея таъкидлади. Бугунги кунда биз маданиятли дунёдами ёки ваҳшийлик исканжасида яшаймизми деган саволга жавоб қидирмоқдамиз.**

«Террорчиларни «озодлик курашчилари» сифатида таърифлаётган ҳар кимса бегуноҳ болаларнинг тўкилган қони ва азоб-уқубатларига нисбатан бешафқатдир», — деди О.Шили. Терроризм «заифлар ва мазлумлар қуроли» эмас. Терроризм бу ажал уруғидир. Айнан шу Нью-Йорк, Беслан, Бали, Мадрид, Бершебеда содир этилган террор хуружларини бирлаштириб туради. Бу ёвузликка қарши биргаликда курашмоқ зарур.

Террорчилар барча воситалар, шу жумладан, гаровга олинганларнинг камерада суратга олинган беаёв қатл этиш тасвирларини телевидение орқали намойиш этиш усулларидан фойдаланишмоқда. Халқаро терроризмнинг ўз тамойилларимиз ва қадриятларимизга суянган ҳолда янгича жавоблар, янгича кураш йўлларини излашимиз тақозо этилмоқда. Ўйлашимча, биз уларни ҳозирча излаб топмадик, таъкидлайди германиялик вазир. Биз халқаро терроризмга қарши кураш нафақат сиёсий ва ҳарбий вазифа, нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари масъулияти, балки айни пайтда ўз онг-шууримизга бўлган даъват эканини англашимиз керак.

Минтақавий терроризм террорнинг одатдаги турларидан фарқ қилади. Биринчидан, унинг ҳамла қилиши учун аниқ нишон йўқ. Унинг мақсади — имкон қадар қурбонлар сонининг кўплигига эришиш. Иккинчидан, террорчилар дунёнинг турли мамлакатлари, жамиятнинг турли табақаларига мансубдир. Улар сафида майда жиноятчилардан тортиб то олий ўқув юртлари талабаларигача бор. Уларнинг аксарияти узоқ йиллар мобайнида ўзларига алоҳида эътибор жалб этмаган ҳолда оддий ҳаёт тарзини кечирган. Учинчидан, жаҳон ҳамжамияти ўта махфийлашган гуруҳлар тармоғига дуч келмоқда.

Терроризмни қўллаб-қувватлаётган экстремист гуруҳлар ва ташкилотларни тақиқлаш эҳтимолий терор хуружларини олдини олишнинг самарали воситасидир, — деди О.Шили. 2003 йилнинг 15 январида ГФРда зўравонлик ва антисемитизм ташвиқоти билан шуғулланган «Ҳизб ут-таҳрир» ташкилотининг сиёсий фаолияти тақиқланди. Мазкур гуруҳ ўз мақсадларига эришиш йўлида зўравонлик усулларидан фойдаланиш тарафдори бўлган ва бинобарин, бу тақиқ жамиятга зид ташвиқотларга барҳам беришга хизмат қилади.

Дунёнинг буюк динларидан бирини ниқоб қилиб олган халқаро терроризм устидан ғалабага мутаассибларни аксарият мўминлардан четлатиш йўли билан ҳақиқий мусулмон дунёси қалби ва онгини қозонган тақдирдагина эришиш мумкин, деб якунлади ўз нутқини ГФР ички ишлар вазири О.Шили.

**«Жаҳон» АА**

## Беслан шаҳрида рўй берган террорчиликдан зарар кўрганларга ёрдам бериш мақсадида пул ўтказиш учун валюта ҳисоб рақамлари:

**«Банк развития региона» ОАЖ**
**ОЛУВЧИ/ҲИСОБ РАҚАМИ/№40911840200000000015**
**INTERMEDIARY: OJSCB “AVTOBANK-NIKOIL”**
**/КОРРЕСПОНДЕНТ БАНК/ L19048, EFREMOVA STR 8, MOSCOW, RUSSIA**
**S.W. I. F. T. CODE: AVTBRUMM**
**CORRESPONDENT ACC: /USD/ ACC. № 30109840000011001260**
**AT AVTOBANK — NIKOIL**
**BANK OF BENEFICIARY: JSC “BANK OF REGION DEVELOPMENT”**
**/ОЛУВЧИНИНГ БАНКИ/VLADIKAVKAZ, RUSSIA NON SWIFT BIC**
**CODE: REDVRU21**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси Б.Мустафоев бошқарди.**

Маълумки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари шу йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси, яъни 2004 йил 26 декабрда ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси шу йил 20 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режаси ҳам тасдиқланди.

**ЎзА**

## ҚИСҚА сатрларда

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги мактабларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Камалак» болалар ташкилотининг синфлар бўйича етакчилари сайланди.

● **КЕЧА** Сергели туманидаги мактабларнинг бошланғич синфлар ўқувчилари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ташаббуси билан Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлишди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 101-махсус мактаб интернатда бўлиб ўтган «Ҳурлигинг муборак, Ўзбекистон» мавзуидаги тадбир туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги тиббиёт коллежида уюштирилган тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Камалак» болалар ташкилотининг коллеждаги бошланғич ташкилотлари етакчилари сайланди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги Уста Ширин номли маҳалланинг нуронийлар масканида бўлиб ўтган тадбир «Савоб ишни ҳар куни, ҳар ким қилиши керак» деб номланди. Тадбир доирасида Мустақиллик йилларида туғилган болажонларнинг суннат тўйи ҳам ўтказилди, қариялар эъзозланиб, улар учун дастурхон тузалди ва концерт дастури ҳавола этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*

*ҚАРОРИ*

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

**Давоми. Боши 1-бетда.**

5. Белгилансинки, сайлов участкалари ва участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов учун ягона ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиялари:

2004 йилнинг 27 октябрига қадар сайлов участкаларини;

2004 йилнинг 16 ноябрига қадар участка сайлов комиссияларини тузадилар.

6. Белгилансинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ги Қонунга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар тегишли ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига 2004 йилнинг 17 октябрига қадар тақдим этишлари лозим;

сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш 2004 йилнинг 20 октябридан бошланади ва 2004 йилнинг 10 ноябрида тугалланади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ҳужжатларни қабул қилиш 2004 йилнинг 13 ноябрида тўхтатилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш 2004 йилнинг 20 ноябрида тугалланади;

манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссияларига 2004 йилнинг 11 декабрига қадар маълум қилишлари лозим.

7. Белгилансинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ участка сайлов комиссиялари:

сайловчиларнинг рўйхатларини ҳамма танишиб чиқиши учун 2004 йилнинг 11 декабрига қадар, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса 2004 йилнинг 19 декабрига қадар тақдим қиладилар;

сайловчилар рўйхати билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларнинг ўз вақтида хабардор этилишини таъминлайдилар;

2004 йилнинг 16 декабрига қадар сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этадилар.

8. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ;

сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланиши ва 2004 йилнинг 25 декабрида тугалланиши;

овоз бериш 2004 йилнинг 26 декабрь куни соат 6.00 дан соат 20.00 гача ўтказилиши қайд этилсин.

9. Белгилансинки, участка сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 26 декабрь куни овоз бериш тугагач овоз бериш якунларини аниқлашга киришади, участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилиши натижалари бўйича баённома тузади ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва баённомани Марказий сайлов комиссиясига 2004 йилнинг 31 декабрига қадар белгиланган тартибда тақдим этади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов якунлари тўғрисидаги хабар ҳамда сайланган депутатларнинг рўйхати матбуотда 2005 йилнинг 5 январига қадар эълон қилинсин.

11. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари янги сайланган депутатларининг тегишли қўшма мажлислари 2005 йилнинг 26 январидан кечиктирилмасдан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

12. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси Б.МУСТАФОЕВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 15 сентябрь

**Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида суд тизими мустақиллигини таъминлашнинг асосий йўналишлари ва чора-тадбирларига бағишланган икки кунлик халқаро анжуман бошланди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон суд тизими ва судьялар ассоциацияларининг вакиллари, шунингдек, Германия Федератив Республикасидан ташриф буюрган ҳуқуқшунослар ва халқаро лойиҳа раҳбарлари иштирок этмоқда.**

# СУД ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси томонидан Германия техник ҳамкорлик жамияти кўмагида ташкил этилган тадбирдан мақсад Марказий Осиё мамлакатлари судьялари ва ГФР суд тизими вакиллари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва адлия тизимини ислоҳ қилиш борасида фикр алмашувини йўлга қўйишдир.

Анжуманда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, 2001 йил августида ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Прокуратура тўғрисида» янги таҳрирдаги ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилиши, инсон ҳуқуқлари тўла ҳимоя этиладиган демократик фуқаролик жамиятни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан Германия техник ҳамкорлик жамияти бошқармаси бошлиғи Кристоф Байер Ўзбекистон суд ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ГФР жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кузатиб борилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Германия ўртасида адлия соҳасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Икки мамлакат мутахассислари доимий равишда маслаҳатлашувлар олиб боради. Кўплаб ўзбек ҳуқуқшунослари Германияда малака ошириб қайтмоқда.

Анжуманда конституциявий судларнинг давлат ҳуқуқий тизимидаги аҳамияти ва қонунчилик соҳасида кўптомонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама этилди. Иштирокчиларнинг суд мустақиллигини таъминлашга қаратилган маърузалари тингланди. Улар бу борада ўз мамлакатларида орттирилган тажрибалар билан ўртоқлашди.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ, ЎзА мухбири**

*Таълим*

## ЯНГИ ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК

**Мамлакатимизда чоп этилаётган электрон ўқув дарсликлари яна биттага кўпайди. «Ўсимликшунослик» деб ном олган мазкур ўқув адабиёти шу фан йўналишида илк бор яратилган электрон дарслик сифатида ҳам таҳсинга сазовордир.**

Замонавий ахборот технологиялари усулларидан фойдаланиб босмага тайёрланган мазкур нашрда ўсимликшунослик оламига ҳақида билим берувчи талайгина мавзулар ўз баёнини топди. Унда экологик тоза ўсимлик маҳсулотлари етиштиришнинг илмий асослари ҳам ёритилди.

Турли жадвал ва график расмларни ўз ичига олган «Ўсимликшунослик» электрон ўқув дарслиги талабалар, аспирантлар, қолаверса илмий ходимлар учун фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

## КУТУБХОНАГА АЖОЙИБ СОВҒА

**Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг халқаро алоқалари кенгайиб бормоқда. Зиё масканининг Буюк Британиядаги «Прогуест» компанияси билан ҳамкорлиги ҳам самарали бўлмоқда.**

Бу компания яқинда кутубхонага ажойиб совға тақдим этди. Электрон маълумотлар базасидан иборат мазкур жамланмада фаннинг барча йўналишида инглиз тилида ҳимоя қилинган илмий диссертациялар ва авторефератларнинг тўлиқ матни ўз ифодасини топди. Инглиз компанияси бундай маҳмумотининг мажмуасини кутубхонага тортиқ қилди.

Илмий тадқиқотларнинг инглизча электрон талқини кутубхона хизматидан баҳраманд бўлаётган аспирант, докторант, қолаверса илмий изланувчилар учун муҳим манба бўлиб қолади, албатта.

*Санъат*

## «ЭСКИ ШАҲАР» МАНЗАРАЛАРИ

**Мустақиллик йилларида республикамиз пойтахти Тошкент янада обод ва гўзал шаҳарга айланди. Унинг Эски шаҳар қисмида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Бу ҳудудда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳам ўзини кўз-кўз қилмоқда.**

Улар гўзал меъморий лойиҳалари билан ҳам мафтункордир. Агар сиз «Эски шаҳар» деб номланган ҳужжатли фильмни томоша қилсангиз ана шу саъй-ҳаракатларнинг шоҳиди бўласиз.

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида режиссёр Халил Валиев бошчилигида тасвирга олинган мазкур экран асари манзарали лавҳаларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Унинг киноновелла жанрида юзага келганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Бунда моҳир кинотасвирчи Абдулла Тўлагановнинг маҳорати яққол кўзга ташланади.

**Аҳрор ВАЛИЕВ**

**Буюк Британияда чоп этиладиган «The Banker» журнали 2003 йили ўтказган анъанавий сўровга мувофиқ акциядорлик тижорат «Пахтабанк» Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб эълон қилинган эди.**

## «ПАХТАБАНК»: ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Мазкур банк матбуот хизматидан маълум қилишларича, номи қайд этилган нуфузли халқаро журнал бу йил ҳам акциядорлик тижорат «Пахтабанк»ни мамлакатимизнинг энг яхши банки сифатида эътироф этган.

Таъкидлаш жоизки, «The Banker» журнали дунёнинг 120 га яқин мамлакатида фаолият кўрсатаётган йирик банклар ишини таҳлил этади ва уларнинг рейтингини эълон қилиб боради.

Ушбу юксак баҳога акциядорлик тижорат «Пахтабанк» ўзининг самарали иш фаолияти, жумладан, минибанклар тармоғини кенгайтириш, кредит таваккалчиликларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда янги ахборот технологияларини амалиётга жорий этиш орқали эришмоқда.

Айни пайтда банк активлари 274 миллиард сўмга ошди. Рақамлар тилида айтганда, 109 фоизга ўсган. Капитали эса 49 миллиард сўмга етиб, 107 фоизга кўпайган. Банкнинг умумий кредит қўйилмаси асосан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилганлиги билан ҳам эътиборга молик.

Бугунги кунда банк мамлакатимизда кенг қулоч ёйган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Айни мақсадда 28 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилди ва 55 мингдан кўпроқ янги иш ўрни очилди.

Фермер хўжаликларига ажратилган имтиёзли кредит маблағлари эса бундан ҳам кўп - 31 миллиард сўмдан ошади. Кўрсатилаётган бундай изчил ва самарали молиявий хизмат пировард натижада мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишида муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

## «ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР!» ТАДБИРИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссияси қарорига биноан шу йил 2 сентябрдан 12 сентябрга қадар ўтказилган «Диққат, болалар!» тадбири мобайнида пойтахтимизда транспорт ҳодисаси билан боғлиқ болалар ўлими умуман қайд этилмади.**

— Якунланган ўн кунликда махсус лойиҳа ишлаб чиқилиб, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари федерациясига тақдим этилди, - дейди Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бўлими бошлиғи Қ.Янгибоев. - Натижада мазкур федерация томонидан 4,5 миллион сўм ажратилди. Бу маблағ Тошкент шаҳри кўчалари, айниқса мактаб ва болалар боғчаларида йўл ҳаракати қоидалари акс эттан турли плакатлар ва реклама материаллари жойлаштирилди. Таълим муассасаларида йўл ҳаракати хавфсизлигига бағишланган тарғибот-ташвиқот ишлари кенг миқёсда олиб борилди.

Айни вақтда 315 мактаб ва 504 болалар боғчаси атрофидаги йўлларда назорат кучайтирилиб, улардаги белгилар янгиланди.

**ЎзА**

*Транспорт*

## ПОЕЗДЛАР ҚАТНОВИ ТЕЗЛАШАДИ

**Мамлакатимиздаги темир йўллар участкаларини электрлаштириш мақсадида амалга оширилаётган техник тадбирлар ўзининг дастлабки ижобий натижаларини берди.**

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси лойиҳаси бўйича қатор участкалар тўла электрлаштирилди.

Шаҳар атрофидаги темир йўлларда тезкор поездлар қатновини йўлга қўйишга қаратилган лойиҳа ҳам кўпгина техник жараёнларни ўз ичига олади. Жумладан, Тошкент-Хўжакент-Чиноз темир йўл участкасида ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилади.

Айни вақтда Тошкент-Самарқанд-Бухоро йўналишидаги поездлар қатнови ҳам тўла электрлаштирилади. Шу мақсадда мутахассислар янги лойиҳани ишлаб чиқишга киришдилар.

Бу йирик лойиҳалар аҳолига темир йўл транспорти хизмати кўрсатишни давр талаблари асосида ташкил этиш имконини беради.

**Аҳмад АББОСОВ**

*Иқтисодиёт*

## ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲЛАР ЁРДАМИДА

**Шаҳримизда фаолият олиб бораётган «Иготекс» масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги ўқув таълим таъминот бош бошқармасининг 80 миллион сўмлик шартномасини бажарди.**





Айни пайтда кўпчилик дидига мос, жаҳон андозаларидаги кийим-бошлар ишлаб чиқараётган корхона маҳсулотларининг тури 60 хилдан ошиб кетди. Айниқса харидор диди юқори бўлган бир даврда маҳсулотнинг бежиримлиги, сифати алоҳида аҳамиятга эга. Буни яхши англаб етган корхона раҳбарияти ишлаб чиқараётган маҳсулоти устида бош қотириши, изланиши ҳамда ҳамкорликни яхши йўлга қўйиши лозим. Бугунги кунда «Иготекс» корхонаси жамоасига бош-қош бўлиб келаётган Шавкат Жалиловнинг ишлари анча кўпайган.

— Жамиятимизда мавсумбоп кийимларни талабга қараб турларини ошириб бораяпмиз, — дейди жумладан корхона раҳбари. — Маълумки, ички бозоримизда айни пайтда қишки мавсумдаги кийимларга талаб юқори. Шунга кўра корхонамизда 12 турдаги болалар кийим-бошлари ҳамда 22 турдаги катта ёшдагилар учун устки кийимлар ишлаб чиқармоқдамиз.

Албатта, тадбиркорликнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимизда бирмунча қийинчиликлар ҳам бўлган, аммо ҳаракат қилсанг, меҳнатинг самараси беиз кетмайди.

Корхона ҳозирда Япониянинг «BROTHER» компаниясидан келтирилган замонавий компьютерлаштирилган ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, маҳаллий ёшларимиз ушбу технологияларни бемалол бошқара олишади. Ҳозирда корхона жамоаси 60 хилдан ошиқ эркаклар, аёллар, болалар устки кийим-бошларини ишлаб чиқарishмоқда. Маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулот ҳолигача бўлган жараёнда жамоа ходимларининг ишлари бир-биридан фарқ қилади.

— Албатта, бу жараёнда корхона ишчи-хизматчиларига замонавий технологиялар қўл келади, — дейди жамоанинг моҳир тикувчиси Лена Савкина. — Дастлаб, оддий калава ипдан ҳар хил нақшдаги матолар тўқилади, сўнгра унга турли расмлар туширилади. Маҳсулот тайёр ҳолга келгунга қадар у бир неча қўлдан ўтади. Айниқса, тўқилган матодан жемферларнинг ёқа қисмини чиқариш сифатли меҳнатни талаб қилади.

Бугунги кунда корхонанинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 140 миллион сўмни ташкил қилади. Асосан маҳсулот ишлаб чиқаришда керакли хом ашё Зарафшон шаҳридаги «Агама» фирмасидан, «Спартасервис» масъулияти чекланган жамиятидан ҳамда Белоруссиянинг Пинск шаҳридаги «Полеся» йигирув фабрикасидан келтирилади.

Ҳозирда корхонанинг тайёр маҳсулотлари шаҳримиздаги кўплаб дўконларда сотувга чиқарилмоқда. Шунингдек, корхонага Японияидан кийимга попоп уришга мўлжалланган замонавий ускуна ҳам келтириб ўрнатилди. Эндиликда айрим кийим қисмларига ушбу технологиялар ёрдамида попоп урилади. Замонавий линияларни бошқариш кўпчиликдан билим ва маҳоратни талаб этгани боис бу ерда ишловчи ходимларга корхонанинг ўзида замонавий технологиялар билан ишлаш жараёни ҳам чуқур ўргатилади.

**Орзугул РУСТАМОВА.**

**СУРАТДА: бош муҳандис Абдували Пўлатов иш сифатини текширмоқда; корхонанинг цех устаси Сурайё Нуриддинова.**

*Мулоҳаза*

## ИЛМ — ИНСОННИНГ ЗИЙНАТИ

**Илм олиш ва уни тўғри йўлга сарфлай билиш ҳам катта машаққат. Ҳар бир инсон илм олиши ва ҳаёти давомида ўз илмини яхшилик, эзгулик, барчага фойдаси тегадиган нарсаларга сарфлай билиши керак. Илм инсоннинг зийнати ва бойлигидир.**

Иқтисодий жиҳатдан қашшоқ инсон агар маънавий жиҳатдан бой бўлса, у ҳеч қачон кам бўлмайди, ҳаётда вақти келиб, ўзининг ўрнини албатта топиб олади, лекин маънавий қашшоқ инсон иқтисодий жиҳатдан қанчалик бой бўлмасин, бориб-бориб у ҳамма нарсасидан айрилади. Илм инсонни комиллика етаклайди, унинг етук инсон бўлиб етишишига сабабчи бўлади.

Бугунги кунда ёшларнинг илмга муносабати ҳар хил. Кимдир илм олиш керак деса, кимдир ҳозирги замонда илмнинг кераги йўқ, яхши бир ҳунарни эгаллаб олсанг бўлди, дейди. Бир қўшним билан гаплашиб қолганимда, у: «Мана, менинг опам Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетини тугатган. Бир неча йиллар мактабда дарс берди. Лекин ҳозир бозорда фаолият юргизяпти», — деб қолди. Нега шундай бўлди, деган саволимизга у моддий етишмовчиликни сабаб қилиб кўрсатди. Менинг ўйлашимча эса инглиз тилини биладиган кишига бозордан кўра кўпроқ фойда келтирадиган ишлар жуда кўп, масалан, мактабда дарс бергандан сўнг, ўқувчиларга дарсдан ташқари репетиторлик (пуллик ўқиш) қилиш мумкин. Инглиз тилида ёзилган ҳужжатни ёки китобни, борингки журналлардан яхши таржима қилиб бериш ҳам мумкин. Хуллас тилни мукаммал биладиган инсоннинг бозорда ўтиришига ҳеч ҳам ҳожат йўқ, менимча.

Ўзбек миллати айниқса, илмли, билимли бўлиб, бор илмини дунёга кўз-кўз қилиши керак, чунки минг йиллар олдин яшаб ўтган ота-боболаримиздан Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Синолар шу илм орқали дунёга танилганлар, ўзбек миллатининг довруғини оламга танитгандар. Биз ахир уларнинг авлодларимиз. Нега энди бошқа миллат вакиллари бизнинг ота-боболаримизнинг асарларини ўқиб, ўрганиб ўзларига устоз деб билганда, биз уларга алоҳида эътибор қаратмаймиз. Улардан кўра бизда имкониятлар кўп-ку?! Уларнинг давомчиси бўлиш барчамизнинг қўлимиздан келади, биздан фақатгина ўқиб, илм ўрганиш талаб қилинади холос.

Хулоса қилиб айтганда умр қисқа. Шу қисқа ҳаёт давомида илм ўрганиб, уни эзгу ишларга сарфлаб, ўсиб келаётган ёшларнинг илмли, билимли бўлиб вояга етишларига ҳаракат қилишимиз керак.

**Юлдузхон ИБРАГИМОВА,**
**«Бунёдкор» ёшлар телеклуби»**
**ижодий ходими.**

## МОДА ВА ЁШЛАР

**Инсон ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди. Инсоннинг эстетик қиёфасини белгиловчи аввало, унинг либосидир. Айниқса, аёллар, қизлар бу тўғрида кўпроқ бош қотиришади. Бу эса уларнинг ўзига хос нозик таъб, эстетик характерини белгилайди. Моданинг вужудга келиши шундан бўлса керак. У замонлар оша шаклланa бормоқда. Ҳозирги кунда фан-техниканинг ривожи, ахборот алмашинувининг тез суръатда такомиллашиши моданинг кундан-кунга ўзгаришини таъминламоқда. Бу яхши албатта, аммо масаланинг иккинчи тарафи бор. Кўп ҳолларда моданинг тараққиёти инсонлар орасида турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳўш, моданинг ўзи керакми? Бугунги кунда у жамият ривожида қандай аҳамият касб этмоқда?**

**Биз мода ҳақида, айниқса, Ғарб модасининг бугунги кундаги келтириб чиқараётган муаммолари ҳақида Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий мутахассиси Дилноза ЁҚУБОВАга бир қатор саволлар билан мурожаат этдик.**

**— Сизнингча модани умуминсоний қадрият деб айтишимиз мумкинми?**

— Албатта. Мода асрлар оша миллатлар менталитетида яшаб келган. Қадимда Европанинг ёки Шарқнинг ўзига хос модаси бўлган. Айниқса, Шарқда у ўзининг юқори босқичида бўлган. Хитой шойи матолари, хонатласдан тикилган, жимжимадор нақшин каштали либосларни айтайлик. Ушбу либосларда шарқона фазилатлар: ибо, ҳаё, беғуборлик акс этган. Уларни кийган ҳар бир аёл жуда латофатли кўринган. Жиякли, попукли либосларни кийиш расмга айланган. Бу мода эмасми? Эр йигитларнинг оқ яктакдан тикилган кийимлари-чи? Беқасам чопонлари-чи? Покизаликни ифодалаган бўлса не ажаб.

Ҳар бир миллатнинг ўз менталитетига қараб либослари бўлган. Улар учун ўзларига хос либослар кийиш расмга айланган. Бу эса қадрият эмасми?

Ҳозирги кунда мода қадриятдан четга чиқиб кетди. Фақатгина фольклордагина қолди. Замонавий мода ўз кўринишига эга. Энди у миллатники эмас, умуминсоний кўринишга эгадир.

**— Умуман, ҳозирги Ғарб аёллари кийган очиқ кийимларни бизнинг юртимизда ҳам урф бўлиши тўғримикан?**

— Ғарбда расм бўлган очиқ либослар улар учун табиий ҳисобланади. Бу нарса кўпроқ уларга хос. Бизга эса асло мос эмас. Шарқда ибо, ҳаё, андиша деган фазилатлар устун. Шунинг учун Ғарбнинг баданни очиқ қилиб кўрсатадиган либосларини қабул қила олмаймиз. У бизга салбий таъсир ўтказади. Шундан келиб чиққан ҳолда халқимизнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган кийимларни (агар уларни кийим деб айтиш тўғри бўлса) ёш-ёш қизларимиз салгина ўйлаброқ кийсалар, айниқса ота-оналар бу тўғрида чуқурроқ мушоҳада қилишларини истар эдим.

**— Моданинг ютуқлари нимада?**

— Мода аввало, кундан-кунга ўзгариб бормоқда. Ўзининг янги қирраларини кашф этмоқда. Унинг ютуғи у кенг аудиторияни ўзига жалб этмоқда.

**— Ўзбек қизлари модани қандай тушунишлари лозим?**

— Айтиш керакки, мода гарчи миллатники бўлмасада ўзида барча миллий элементларни мужассамлаштирган ҳолда замонавий бўлиши, керак. Модани турлича тушунадилар. Бу жараён модани инсон учун мос тушмаганлигига ҳамда турли муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Кийим кийганда у қоматга, менталитетга мос келиши ва албатта, модельерлар маслаҳатини олиш керак.

**— Мода санъат асари бўлиши мумкинми?**

— Албатта, у ҳар тарафлама мукаммал бўлса, нозик эстетик дид билан ишланган ҳамда ўзида миллийлик элементларини мужассам этган бўлса. Модани санъат асаридан четга сурган нарса — бу унинг ўта тез суръатларда алмашиниб миллийлигини йўқотганлигидадир.

**— Ҳозирда қандай либослар мода даражасига кўтарилмоқда?**

— Замон тақозоси билан умумбашариятда миллийликка хос замонавий услубда тикилган либослар қайта мода тусига кирмоқда. Масалан, жуда чиройли костюмлар (аёллар)да ва бошқа либосларда халқ амалий санъати намуналари ўз аксини топмоқда. Бу борада мен ҳам қатор ижобий ютуқларга эришдим.

Шундай экан, модани инкор этиш мумкин эмас. У ҳам инсоннинг маънавий ва маданий бойлигидир. Инсоннинг ташқи гўзаллигини усиз тушуниш мумкин эмас. Албатта, унинг ўзига яраша камчиликлари бор. Бу инсон тафаккурига боғлиқ. Мода тўғри тушунилса, у ўз юксак босқичига кўтарилади. У ҳамиша инсоннинг эстетик оламини белгилайди.

Масаланинг ҳар икки тарафини кўрдик. Ютуқларини талқин этдик. Камчиликларининг сабабини изладик. Моданинг бугунги жамиятдаги ўрнини топишга ҳаракат қилдик. Шуни яхши билдикки, у ҳамиша ёшларимиз камолотининг ажралмас қисмидир. Уни тўғри мушоҳада этиш барчамизга боғлиқ.

**Зафар ЁҚУБОВ суҳбатлашди**









**Ёшлар — юрт эгаси, келажак бунёдкоридир. Уларнинг пухта таълим олишлари, тарбияли, одоб-ахлоқли, билимдон бўлиб вояга етишлари эса эртамизнинг нурли куни кафолатидир.**

**Сиз суратда кўриб турган техника билан тиллашиб, ақлни пешлаб, спорт билан ошно бўлаётган ёшлар ҳам эртага юртимиз байроғини баланд кўтарадиган ғолиблар қаторидан ўрин олса ажаб эмас.**

**Ҳакимжон Солиҳов, Тоҳир Ниғматуллин ва Алексей Попов олган суратлар.**

# Камолот

## ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЕТМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Низомининг 7-боб, 25-26-моддаларига биноан, ҳаракатнинг негизи бошланғич ташкилотдир. Шу муносабат билан бошланғич ташкилотнинг бир йилда камида бир маротаба умумий ҳисобот йиғилишида кўпчилик овоз билан сайланадиган етакчиси бўлиши кўрсатиб ўтилган.**

Шунга мувофиқ пойтахтда жойлашган мактаб, коллеж, олий уқув юртлари, ташкилот ҳамда муассасалардаги бошланғич ташкилотнинг ҳисобот йиғилишлари шу йилнинг 18-25 сентябрига қадар жойларда бўлиб ўтади. «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими томонидан эълон қилинган «Камолот»-да сайлов!» лойиҳаси доирасида махсус плакатлар ишлаб чиқилиб, улар ҳар бир бошланғич ташкилотга тарқатилган. Ушбу лойиҳа бўйича мактаблардаги барча синфларда «Камолот» ҳамда «Камалак» сардорлари сайланиб, 18 сентябрда эса пойтахтдаги барча 315 та мактабларда мактаб «Камолот» ва «Камалак» сардорлари ҳамда 16 кишидан иборат сардорлар кенгаши сайланади. Ҳудди шундай ўрта махсус ўқув юртларида, 21-25 сентябргача эса барча олий ўқув юртлари, ташкилот, корхона ва муассасаларда «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотидаги ҳисобот йиғилишида 1 йил давомида фаолият юритадиган етакчи сайланади.

Хусусан сайлов ўтказиш тартибига асосан, ўқувчиларнинг хоҳиш-ихтиёрини инобатга олган ҳолда пойтахтимиздаги 11 та туманда жойлашган барча мактабларда мана шундай сайловлар бўлиб ўтмоқда.

Пойтахт мактабларидаги синф хоналаридаги ўзгаришларга эътибор берсак, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими томонидан янги ўқув йилига қатор янги лойиҳалар тузилганлигини кўрамиз. Хусусан, 1-4-ва 5-7-синфларда махсус дарс жадваллари ишлаб чиқилиб унда «Камолот» ҳамда «Камалак» ташкилотлари фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотлар акс эттирилган. Шунингдек 1-4-синф ўқувчиларига мўлжалланган «Сен зўрсан» плакатлари мавжуд. Ушбу плакатларда ҳар ойда синфнинг энг фаол, энг аълочи, энг иқтидорли ва энг интизомли ўқувчилари ҳақида маълумотлар берилади. Бу эса ўқувчиларнинг ўқишга ва жамоатчилик ишларига бўлган интилишини орттиради.

Пойтахтдаги ҳар бир мактабга мўлжалланган мазкур плакатлар эса «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими томонидан бепул тарқатилган.

**Отабек ЭШМАТОВ,**
**«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими**
**матбуот хизмати ходими.**

*Ёшлар—келажагимиз*

## БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

**Сиз-у биз умргузаронлик қилаётган бу ёруғ олам ҳайратларга, сир-синоатларга бой. Атоқли шоиримизнинг «Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё» деганида бир олам мазмун, моҳият мужассам. Ана шундай ғойибий, оламий эврилишларнинг тадрижий давоми, амалий исботи ўлароқ адабиёт инсониятнинг ақлу ҳушини ўғирлаб ўзига оҳанграбо янглиғ жалб этиб келмоқда. Сўз қудрати, шеър учқуни шу даражада уммоний салоҳиятга эгаки, буни фақат ҳис қилган, ўз танасида исбот этиб кўрган кишигина яхши билади. Шу маънода ёш, мурғак қалб эгаси Алишер Исомиддиннинг машқларида, замон ва макон ҳақидаги тугал, таг заминга эга сатрларда мен ДУНЁни кўргандай бўламан.**

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева Алишер ҳақида гапира туриб: «Алишернинг кўзлари менга бошқача кўринади», деб ёзибди. Менга ҳам шундай туюлди. Ростданам, унинг кўзлари бошқача боқади дунёга. Самимият, ҳалимлик, беғуборлик, шаффоф бир поклик... Буларни сиз Алишернинг кўзларидан қидиринг...

У шундай сатрлар битади:

**Нафснинг қуллари**
**йиғади бойлик,**
**Ана шу «қул»ларга**
**айтайин бир сир:**
**— Агар вақт ўтиб**
**тугаса умринг,**
**Мол-дунё орқалаб**
**кетмассан ахир.**

Бир қарасангиз шунчаки гапга ўхшайди. «мол-дунё, бойлик ўткинчи», дейилмоқчи. Лекин ҳозирги давр шароити билан қиёсласак, Алишернинг бу битиги мурғак қалбнинг исёнига ўхшайди. Бу шундай исёнки, унинг асосида дунёнинг чекка-чекка жойларида содир бўлаётган талотумлар, қурол билан юзма-юз келиб, ёвузлик, ваҳшат «сир»ларини ўрганаётган Алишер тенгги болакайлар қалбида кечаётган озурдалик, титроқ ётади. Инсон боласининг мураккаб ички имкониятлари сатрлар жилосида бўй кўрсатади.

Аллоҳга минг қатла шукрки, осмонимиз тинч, юртимиз Истиқлол нашидасидан сармаст. Албатта, мана шундай беғубор бир шароитда Алишер тенги истеъдод чўғи сезилиб турган болаларнинг ўсиб, униши, камолоти учун қулай бир фурсат туғилди. Айниқса, Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлодни маънан етук, жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш йўлидаги интилишлар бунинг исботидир.

Алишерга қайтайлик. Унинг айниқса, мана бу сатрлари кишида ҳайрат уйғотади:

**... Қотилликлардан донг**
**бўлса ҳам қулоқ,**
**Бўлиб ўтса ҳатто**
**ваҳший урушлар,**
**Шунда ҳам кечириш**
**мумкиндир бироқ,**
**Асло кечирилмас**
**«юракфуруш»лар.**

Одатда биз «Ватанфуруш» ҳақида эшитганмиз ва пичоқ суякка қадалганда иймонини ҳам пуллайдиган иймони суст, маънавияти палағда одамлар ҳақида биламиз аммо «юракфуруш»лар... бу бошқа гап.

Юракни, қалбни, бировларнинг сир-асрорини кимгадир пучак пулга сотиб кун кўрадиган тубан кимсаларнинг борлиги кишида аллақандай маҳзунлик уйғотади, албатта... Умуман олганда Алишер зўрма-зўраки қалам тутмайди: унинг туйғулари самимий ва тонг насимидек беғубор. Муҳими, булоқ кўз очган. Бу — катта гап.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

*Туманлар фаолиятидан*

## МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ — ИНТИЛИШДА

**Бугунги кунда «Камолот» ЁИҲ ҳақида эшитмаган, билмаган киши топилмаса керак. Чунки ушбу ёшлар ташкилоти эртанги кун эгасининг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, жисмонан соғлом, ақлан етук бўлиб вояга етиши, ўз иқтидор ва истеъдодларини тўла намоён этиб, юрт истиқболига муносиб ҳисса қўшишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга, уларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Гапимизнинг исботи сифатида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши раиси Бунёд Йўлдошев билан мулоқотда бўлиб, ташкилотнинг олиб бораётган юмушлари билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик.**

— «Камолот» ЁИҲини нафақат ёшлар, балки ота-оналар, бутун жамоатчилик қўллаб-қувватламоқда ва бугунги кунда улар ҳаракат фаолиятида ажралмас бўлак сифатида фаол иштирок этмоқдалар, — дейди Кенгаш раиси суҳбатни бошлар экан. — Шунинг учун ҳам ҳаракатимиз Республика миқёсида муҳим ташкилот сифатида шаклланиб ўз атрофига миллионлаб соғлом фикрли ёшларни бирлаштира олди. Ҳозирда бир кун йўқки «Камолот» ташкилотчилигида бирон та тадбир, кўрик-танловлар, учрашувлар, семинарлар ва спорт мусобақалари ўтказилмаётган бўлса. Бунинг замирида эса ёшларнинг турли муаммоларини ечиш, манфаатларини ҳимоя қилиш, қобилиятларини юзага чиқариш каби юксак мақсадлар ётибди. Ҳаракат аъзолари халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар, турли ўқув муассасаларида чуқур билим олмоқдалар. Ватанимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бунёдкорлик юмушларида ҳам уларнинг салмоқли ҳиссалари бор.

Туманимиз ҳудудида жойлашган 4 та институт, 16 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежи, билим юртлари, лицей, 39 та умумтаълим мактаби, 1 та мактаб-интернат, 1 та ёрдамчи мактаб ҳамда 5 та корхонада бошланғич ташкилот етакчилари, мутахассислар ва фаол ўқувчи-талабалар муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Бугунги кунгача 49958 нафар ёшлар сафимизга қабул қилинган. «Камолот» етакчиларининг фаолият юритишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Биз фаолиятимиз давомида ёшлар ўртасида санитария-экологик маданиятни уйғотиш ва шакллантириш, оилада тиббий маданиятни ошириш, ўқув юрти ва яшаш жойларининг санитария аҳволини яхшилаш мақсадида ўқув юртлари, мактаблар ва маҳалла ёшлари ўртасида «Менинг севимли шаҳрим», «Ҳазон йиғиш» акцияларини ўтказдик. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолларининг олдини олиш борасида маҳаллаларда участка нозирлари, посбон-сардорлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, семинарлар доимий равишда ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, ҳаракатимиз қошида «Посбон» ва «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» марказлари ҳам фаолият юритади. Ушбу марказларнинг асосий иш мезони туманда жойлашган 48 та маҳаллада жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ободонлаштириш, коммунал тўловларни ундириш, ҳарбий хизматга чақирув тадбирларини ўтказиш ишларида, шунингдек, туман ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган барча ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва оммавий спорт тадбирларида фаол иштирок этишга қаратилган. Ички ишлар идоралари ходимлари билан яқин ҳамкорликлари, маҳалладаги ибратли ишлари ва ташаббускорликлари учун 63 нафар посбон ва сардорлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ИИББ, «Камолот» ЁИҲининг Тошкент шаҳар бўлимининг Фахрий ёрлиқ ва совғалари билан тақдирландилар.

Тумандаги умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малакасини ошириш мақсадида туман халқ таълими бўлими билан келишган ҳолда «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ўқув семинарлари ташкиллаштириб келинмоқда. Ўқувчилар қалбида кекса авлодга нисбатан қадр-қиммат ва меҳр-мурувват туйғуларини уйғотиш мақсадида юртимизда нишонланадиган Наврўз, Мустақиллик каби қатор байрамларда ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчиси йўқ қарияларни ҳимоялаш ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш борасида 4 миллион сўмдан зиёд ёрдам кўрсатилди ва озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди.

Туман ҳудудида 11 та кутубхона фаолият кўрсатади. Уларнинг 37684 нафар аъзолари бўлиб, шулардан 27688 нафарини 28 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ёшларнинг спорт билан шуғулланишларига алоҳида эътибор қаратилган. Шахмат-шашка, футбол, баскетбол ва бошқа турдаги миллий ва оммавий спорт турлари бўйича мунтазам мусобақалар ўтказиб келинади. Спортни янада ривожлантириш мақсадида жорий йилда 600 минг сўмликдан зиёд турли хилдаги спорт анжомлари ва кийимлари сотиб олинди.

Биз ўз иш фаолиятимизни кенг қамровда олиб боришга ҳаракат қилишимизга қарамасдан ҳали камчиликларимиз ҳам, ечимини кутиб турган муаммоларимиз ҳам топилади. Жумладан, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг бошланғич ташкилотларида «Камолот» ЁИҲининг алоҳида хоналарини жиҳозлаш, маҳаллаларда ёшларни барча жамоат ишларига кенг жалб қилиш, азалий қадриятларимизга ҳурматини янада мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратишимиз даркор. Ҳар бир ёшнинг ўз ишига масъулият билан ёндошиши, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр, сезгир бўлиши, обод ва озод Ватан юксалишига ҳисса қўшиш каби эзгу юмушларга ўз ортидан бошқаларни ҳам эргаштира олиши муваффақиятларимиз гарови бўлишига ишонаман.

Дарҳақиқат, ўз мақсади, интилишини чуқур англаган, меҳнат-машаққатлардан чўчимаган инсонгина кўзлаган манзилига албатта етади. Бу йўлда шижоат-ғайрат ҳамроҳ бўлса бас.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ТУЗИЛАДИ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотларининг фаолиятини тўғри ташкил этишда ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисобини олиб бориш муҳим ўрин тутади.**

18-25 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрининг барча ўқув масканлари, корхона ва ташкилотларида бўлгани каби Юнусобод туманида жойлашган 42 та ўрта мактаб, 12 та ўрта-махсус таълим даргоҳлари, 4 та олий ўқув юртлари ва 22 та ташкилотларда ҳам «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтади. Шунингдек, 25 сентябрь куни тумандаги яна ўндан ортиқ ташкилотларда, жумладан Ўзбекистон Миллий банки, «Асака» ва Халқ банкларининг Юнусобод туман бўлимларида, «Алп-Жамол» ва «Парвина» банкларида ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари тузилади.

Ҳозирда тумандаги барча бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик жараёнлари кетмоқда. Мактаб ўқувчилари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари талабалари орасида тушунтириш ишлари, шунингдек, етакчиликка номзоди қўйилган талабаларнинг мўлжалланган иш режаларининг тақдимоти ўтказилмоқда.

**Дилдора МЕЙЛИЕВА**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

**ҲИКОЯТ**. Миср ҳукмдори Рум ҳукмдори билан келишиб, ораларидаги адоватни бартараф қилдилар, дўстлик аҳдин туздилар. Дўстликларини ҳам кучайтириб, абадийлаштириш учун Миср ҳукмдори ўз қизини Рум ҳукмдорининг ўғлига берди. Рум ҳукмдори ҳам ўз қизини унинг ўғлига никоҳлади. Шундай қилиб икки ҳукмдор бир-бирларига қарши қуда бўлдилар. Бу ошнолик туфайли ҳар икки томондан элчи ва мактуб бот-бот бориб-келиб турди. Ҳар иккиси бир-бирлари билан маслаҳатлашиб иш олиб бордилар.

Бир куни Миср ҳукмдори қудаси Рум ҳукмдорига шу мазмунда хат ёзиб юборди.

— Кўзларимизнинг нурлари бўлган фарзандларимизнинг вафотимиздан кейин ҳам роҳат ва фароғатда яшашлари учун шу тобдан бошлаб чора кўришимиз керак. Мен ўғлим учун жуда кўп мол-дунё жамладим. Чиройли боғ ва иморат вужудга келтирдим. Сиз ҳам куёв бўлган ўғлингиз учун шундай қилган бўлсангиз керак.

Рум ҳукмдори қудаси Миср ҳукмдорининг хатини ўқиб табассум қилди.

— Мен сиздан кўра бошқачароқ йўл тутдим. Вафосиз мол-дунё ва матоларга илтифот этмайман. Шунинг учун мен ўғлимга молу-дунё эмас, илм, ҳунар, одоб, ахлоқни мерос этиб қолдиришни истардим. Уни илмли, ҳунарли, одоб-ахлоқли қилиб ўстирдим, адаб либоси билан безадим, яхши хислатларни ўғлим учун мерос этиб қўйдим. Мол-дунёга завол етади, аммо адабга завол етмайди.

Миср ҳукмдори қудасининг хатини ўқигач, унинг сўзини маъқуллади:

— Қудам тўғри айтади, одоб, ахлоқ — олтиндан қимматдир, — деди.

**Қитъа:**

**Эмас манзур хуш**
**аҳлига моли,**
**Нечукким молнинг**
**бордир заволи,**
**Улар матлуби**
**бўлган илму одоб,**
**Ки топгайлар**
**адабдан яхши алқоб.**

• Эй фарзанд, агар дунёда доимо тараққий қилай десанг, софдил бўл! Умрингни фақат мол учун сарфловчи бўлма! Ёмон кишилар билан улфатчилик қилма! Дунёда яхшилик қилиш лозимлиги ҳақида Луқмони Ҳаким тўғрисидаги ҳикоятлардан ўрнак ол.

• Айтишларича, Луқмони ҳакимнинг олдига бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишди. Ундан ҳикматга оид нарсаларни сўрашди. Шунда келганлардан бири:

— Эй ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан? — деб сўради.

— Ҳа, мен ўша чўпонман, — деб жавоб берди Луқмон. — Ҳозир кўриб турибсанки, ҳакимман.

— Бу даражага қандай эришдинг? — сўради яна у.

Луқмони ҳаким унга:

— Рост сўзлашдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, ёлғон сўзламасликдан, беҳуда сўзларни гапирмасликдан, мусибат ва балоларга мардона чидашдан, ўзимни барчадан кам санашдан! — деб жавоб берди.

*Ўзбекистон ва жаҳон*

# НОВОСИБИРСКДА — ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ

**Шаҳарнинг А.Чехов номидаги марказий кутубхонасида мамлакатимиз истиқлолининг 13 йиллигига бағишланган Ўзбекистон кунларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси кўмагида ўзбек диаспораси вакиллари ва Новосибирск шаҳар ҳокимияти билан биргаликда ташкил этилди.**

Йиғилганларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари тўплами CD-дискининг тақдимоти катта қизиқиш уйғотди. Маросимда сўзга чиққанлар, замонавий электрон воситалари туфайли россияликлар бугунги Ўзбекистон, давлат томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат ҳақидаги ўз билимларини кенгайишига имкон яратилганлигини алоҳида таъкидладилар.

Новосибирск шаҳар мэри ўринбосари В.Федоров Россиянинг йирик шаҳарларидан бирида Ўзбекистон кунларини ташкил этилганлиги учун миннатдорлик айтиб, келгусида бундай тадбирларни ўтказиш анъаналарини давом эттирилишига умид билдирди. Шунингдек нотиқ, шаҳар раҳбариятининг Новосибирск ва Ўзбекистон ўртасида аввалги мустаҳкам илмий ва саноат соҳасидаги алоқаларни тиклаш ҳақидаги режалари борасида атрофлича сўз юритди.

Ўзбекистон кунлари доирасида "Ўзбекистон ўтмиши, ҳозири ва келажаги" мавзусида конференция ўтказилди. Унда "Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликлари ва шаҳарлар меъморчилиги", "Ўзбек халқи тарихи", "Санъат, ижодий турмуш ва ўзбек халқи урф-одатлари", "Ўзбекистон жуғрофияси, иқтисодиёти ва давлат қурилиши", "Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти асослари" каби маърузалар тингланди.

Тадбирда ИТАР-ТАСС агентлигининг мухбири, бадиий фотографиянинг таниқли устаси В.Дубровскийнинг ўзбек жамиятининг замонавий тарихи ёрқин лаҳзаларини ҳикоя қилувчи шахсий фото кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.









# МЎЪЖИЗА СОАТ

**Шу йилнинг кузида жаҳон техника бозорида SPOT технологияси асосида яратилган биринчи қўл соатлар сотувга чиқарилди. Шу тариқа янги техника эрасининг навбатдаги яна бир мўъжизаси пайдо бўлди.**

Ҳозир АҚШда сотилаётган SPOT-соатлар учта компания — Abacus, Fossil, Suunto томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, ташқи кўриниши оддий соатдан фарқ қилмайди ва атом аниқлигида ишлайди. Ичидаги механизми туфайли соат эгаси ўз вақтида обҳаво, акция ва валюта курслари, йўл тирбандлиги, маданий воқеалар анонслари, учрашув ҳақида эслатма, қисқа шахсий маълумот узатиш ва бошқа хабарлардан воқиф бўлиши мумкин. SPOT-соат янгиликларни оддий FM-диапазон орқали етказиб беради, шунингдек, унда интернетдан фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд.

Microsoft соатлари — бу бошланиши, холос. Келажакда SPOT-қурилмалари бир-бирлари билан ҳамда компьютерлар билан ҳам улана оладилар.

Беш йил давомида яратилган бу янги ғоянинг хомаки лойиҳаси Microsoft Research лабораторияларида 1999 йилда пайдо бўлган. 2003 йилда Microsoft уюшмаси раиси Билл Гейтс биринчи бор SPOT-қурилмасининг прототипини оммага намойиш қилган эди. Унинг нархи дизайнига қараб 100 доллардан 300 долларгача, йиллик хизмат учун абонент тўлови эса 59 долларни ташкил қилади.

# МОЗОРИ-ШАРИФДА — КИНОПРЕМЬЕРА

**Афғонистонда шу пайтгача кинофильмларни томоша қилишган бўлса, эндиликда уларни яратиш бошланди. Афғон киноусталари томонидан ўзбек ҳамкасблари кўмагида тасвирга олинган "Қора булут" бадиий фильмнинг премьераси Балх университети клубида бўлиб ўтди.**

Йиғилган киномухлислар, талабалар, муаллимлар ва ҳукумат муассасалари ва сиёсий партиялар вакиллари ҳузурида мазкур фильм режиссери Обидий сўзга чиқди. Нотиқ ўз нутқини Ўзбекистонга миннатдорлик билдиришдан бошлаб, унинг ёрдамисиз ушбу фильмни яратиш имконияти бўлмаслигини алоҳида қайд этиб ўтди. Режиссёр фильмда суратга тушган ўзбек актёрларига ўзининг самимий миннатдорлигини изҳор қилди.

Фильмдаги кўринишлар томошабинга яқин ўтмишдаги Афғонистонда толибонлар ҳукумати остидаги даврни тасвирлайди. Фильм қаҳрамони "дарёнинг у юзида" бошпана ва бахт топгунига қадар озмунча азоб ва саргузаштларни бошидан кечирмайди. Мамлакат номи тилга олинмаса ҳам Ўзбекистон ҳақида сўз бораётганини англаш қийин эмас. Лавҳаларда "дарё ортидаги" чегарачилар, шифокорлар ва журналистларнинг сиймоси, баъзан уларнинг ўзбек тилидан таржимасиз сўзлари ёқимли тасвирланган.

Кинофильм намойиш этилаётган пайтда залда мухлислар қарсаги янграб турди, чироқ ёқилгач, кўпчиликнинг кўзида ёш кўриш мумкин эди.

— Фильм жуда таъсирчан яратилган. Унда нафақат толибонларнинг асл башараси фош этилади, балки ҳақиқатни айтганда, афғонларнинг энг яқин қўшниси — ўзбек халқи томонидан доимо қардошлик ёрдами ва кўмаги кўрсатилгани ҳақида ҳикоя қилинади,— деди Мозори-Шарифлик партия вакили Азизулло Коргар.

**Ҳиндистонда "Шанкар халқаро болалар мусобақаси"нинг 2003 йилги танлов якунлари эълон қилинди.**

# ЎЗБЕК ЎҚУВЧИЛАРИ — ШАНКАР МУСОБАҚАСИ СОВРИНДОРЛАРИ

Жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатлари мактаб ўқувчилари ижодига мансуб 160 мингга яқин расмлар ва иншолар танлов ҳайъати ҳукмига ҳавола этилди. Унинг натижаларига кўра, 1128 иштирокчи ушбу мусобақанинг турли мукофотлари соҳиби бўлди.

Улар орасида 10 нафар ўзбекистонлик мактаб ўқувчиси ҳам бор. Юртдошларимизнинг беш нафари мусобақанинг катта кумуш медалига, яна беш нафари эса кичик кумуш медалига сазовор бўлишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2000 йилда 13 нафар, 2001 йилда 10 нафар, 2002 йилда эса 16 нафар ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари ушбу танлов ғолиблари сафидан жой олиб, олтин ва кумуш медаллари совриндорлари бўлишган эди. Бу йил ҳам юртдошларимиз ижодига мансуб иншо ва суратлар "Шанкар болалар санъати намуналари" китобининг 54-нашри саҳифаларидан жой олди.

Бу халқаро мусобақа 1949 йили К.Шанкар Пиллай томонидан ташкил қилинган бўлиб, унда дунёнинг барча мамлакатлари болалари иштирок этиши, ўз ижод намуналари орқали гўзал фикр ва туйғуларини ифода этишлари мумкин.

**«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.**

*Бугун — Халқаро Озон қатламини муҳофаза қилиш куни*

## ОЗОН ВА ЗАМИН ТАҚДИРИ

**Коинотдаги озон қатлами қуёшдан келадиган инсон, ер юзидаги бошқа жонзотлар ва ўсимлик олами учун зарарли ультрабинафша нурларни ушлаб қолувчи тўсиқ ҳисобланади. Кейинги юз йилликда табиий мувозанатни сақлашга етарли эътибор берилмаганлиги туфайли кўпгина муаммолар қатори озон қатлами емирилиши билан боғлиқ экологик хавф ҳам пайдо бўлди.**

Тадқиқотларга кўра, ишлаб чиқариш, музлаткич техникаси, ўт ўчириш, сунъий иқлим ҳосил қилиш, электрон саноатида ишлатиладиган хлорфтор углеродлар /ХФУ/ туркумига кирувчи кимёвий моддалар озон қатламига жиддий зарар етказади. Бунинг олдини олиш мақсадида 1985 йилда дунёдаги 147 мамлакат иштирокида Вена конвенцияси қабул қилинди. 1987 йилда шу масала юзасидан Монреал протоколи имзоланди. Мазкур сана жаҳонда озон қатламини муҳофаза қилиш куни сифатида нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳам бу борада бир қанча мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Уларни бажариш борасида юртимизда кенг кўламда ишлар олиб борилаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорлари бу жараёнда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидан маълум қилишларича, мазкур ҳужжатларга мувофиқ мамлакатимизда таркибида озон емирувчи моддалар бўлган маҳсулотлар импорт-экспортини лицензиялаштириш тизими жорий этилган. Табиий мувозанатга зиён етказадиган бундай моддалар билан ишлайдиган воситаларни четдан олиб кириш ва хорижга олиб чиқиш тақиқланган.

«Сино» маиший музлаткичлар корхонасида ХФУ-11 ва ХФУ-12 ишлатилишини тўхтатишга қаратилган лойиҳа амалга оширилди. Ҳозир бу корхонада озонга зиён етказмайдиган модда асосида ишлайдиган музлаткичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

**ЎзА**





*Учрашувлар*

## ЭЛЛИК ЙИЛЛИК ҚАДРДОНЛАР

**Жаҳоннинг шодлиги йиғилса буткул**
**Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун**

**Куни кеча Й.Охунбобоев номидаги 45-мактабда бўлиб ўтган катта тантанага, бундан 50 йил аввал ушбу файзли илм даргоҳини битириб кетган собиқ синфдошлар учрашувига гувоҳ бўлган ҳар бир иштирокчи улуғ аллома юқоридаги сатрларни бежизга битмаганига ишонч ҳосил қилар эди.**

Ҳа, дунёда дўст дийдоридан, ўз туғишган жигарингдек бўлиб кетган азиз инсонларнинг меҳру-соғинчидан, айниқса болаликдан бирга ўсган, 10 йил бир мактабда, бир синфда таълим-тарбия олиб бир майизни қирқга бўлиб еган синфдошларинг билан учрашиб, дийдорлашишдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак дунёда.

Болалик-подшолик, ёшлик-беғуборлик фаслида синфдошлар ўртасида кечган унутилмас хотираларни ким ҳам бир соғинч билан, бир орзикиш билан эсламайди дейсиз.Шайхонтоҳур туманидаги 45-мактабда собиқ синфдошлар билан бўлиб ўтган учрашув ҳам таассуротларга бой тарзда кечди. Ўқувчи ва мактаб ўқитувчилари томонидан шоду-хуррамлик, юқори кўтаринкилик билан кутиб олинган «собиқ ўқувчи»лар ўзлари илк марта бундан 50 йил аввал қадам қўйган синфга кириб келдилар ва ҳар бирлари «ўзларининг» парталарига бориб ўтирдилар. Синф



раҳбари Осиё опа Шокирова бошчилигида «илк сабоқ»ни бошлашди. Сабоқ шундай бўлдики ҳар бир «ўқувчи» навбати билан ўрнидан туриб, ўтган йиллар давомида эришган ютуғи, олган маълумоти, қилган ишлари ҳақида фақат ўқувчиларга хос қисқагина маълумот берди.

Собиқ синфдошларнинг ҳаётда орттирган бой ҳаётий тажрибалари ҳақида ҳар қанча ҳузур билан суҳбатлашиш мумкин эди. Ҳар бир «ўқувчи» ўз оиласининг бобоси, катта бир корхонанинг раҳбари, узоқ йиллар халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат кўрсатиб бугунги кунда кексалик гаштини сураётган пиру бадавлат хонадон соҳиблари эди. Шу дамда улар гўё болаликка қайтган эдилар, фақат ўзлари тушунадиган, фақат ўзларига хос тарзда юракларда бир умрга муҳрланиб қолган лаҳзаларни худди кечагина бўлиб ўтгандек шунчалар завқ билан гапириб беришяптики, ҳавас қилмай илож йўқ.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики уларнинг ҳар бир сўзларидан илм берган, яхши инсонлар сафига қўшган, керак пайтда қаттиққўллик, лозим бўлганда эса меҳр билан тарбия берган устоз-ўқитувчиларидан жуда миннатдор эканликлари сезилиб турарди.

— Мактабимиз, устоз-ўқитувчиларимиз ҳақида илиқ гапларни эшитганда фахрланиб кетамиз, — дейди мактаб директори Мавлуда Алимжонова. — Қолаверса муносиб шогирд бўлишга, ўқувчиларга янада пухта билим беришга интиламиз.

Учрашув қатнашчиларининг дил сўзларини қоғозга туширишга ҳаракат қилдик.

**Азмиддин САДРИДДИНОВ, академик**: Бугунги ҳаяжонли кунни сабрсизлик билан кутдик. Ёшликдаги дўстлар бошқача бўлади-да. Биз мактабни битирганимизга 20 йил бўлгандан бошлаб ҳар беш йилда учрашиб турамиз. Бизга илк сабоқни берган ўқитувчилардан умрбод миннатдормиз, жуда пухта билим беришган. Шунинг учун ҳам ҳеч қийналмай олий ўқув юртларига ўқишга кирдик. Биз билан ўқиганлардан ҳозир жуда таниқли олимлар, 5 нафар фан доктори, 20 дан ортиқ фан номзодлари бор. Ҳаётда барчамиз ўз йўлимизни топганмиз.



**Шуҳрат ТУРСУНОВ, Педиатрия илмий текшириш институти клиникаси бош шифокори, «Дўстлик» ордени нишондори:** Биз собиқ синфдошлар билан доимо учрашиб турамиз. Ўзимиз ўқиган мактаб билан фахрланамиз. Бу мактабда ахир элимизнинг ардоқли инсонлари Ғулом Зафарий, Абдулла Қодирий, Восиқ Қобуловлар ўқишган. Биз ҳам уларга муносиб издош бўлганмиз деб ўйлайман. Бизнинг орамизда ҳам Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов, таниқли спорт шарҳловчиси ва ҳақам Аброр Имомхўжаев, академик Азмиддин Садриддинов каби эл хизматига камарбаста бўлиб келаётган инсонлар бор. 1954 йилда мактабни битирган бўлсак 2004 йилда роппа-роса 50 йил, демакки ярим аср вақт кўз очиб-юмгунча ўтиб кетибди. Бундан кейин ҳам бир-биримизни йўқлаб юришни ният қиламан.

Тадбирга йиғилганлар шунингдек ҳаётдан кўз юмган устозлари ва дўстларини хотирлашди, учрашувга келолмаган бетоб ўртоқларининг уйларига бориб йўқлашни келишиб олишди. Дўстлар учрашувининг илк сабоғи яқиндан танишув бўлса, кейингиси бир пиёла чой устида диллашув, хотиралар дунёсида кезиб, санъаткорлар ижросидаги мумтоз куй ва қўшиқларга жўр бўлиб, бир-бирлари билан мазза қилиб суҳбатлашиш сабоғи бўлди. Диллар яйради. Кўнгиллар кўтарилди, эсдалик учун суратга тушиб, бир-бирларига эзгу тилаклар айтиб хайрлашишди.

Ҳа, азизлар, бу ғанимат дунёда сизу биздан фақат яхшилик, қилинган эзгу амаллар қолар экан. Шундай экан юқоридаги каби чиройли тадбирларни уюштириб, барча ташкилий ишларга бош-қош бўлиб дўстлар бошини қовуштириб, катта саволларга дахлдор бўлаётган азиз инсонларнинг икки дунё саодатига эришишларини чин кўнгилдан истаб қоламиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Й. Охунбобоев номидаги 45-мактабда бўлиб ўтган учрашувдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Тақдимот*

## «КЎЗЛАРИДА СЕҲР БОР ЭДИ»

**Республика Киночилар уйида «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан «Кўзларида сеҳр бор эди» ҳамда «Муҳаммад Юсуф» ҳужжатли фильмларининг премьераси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўғон Режаметов ҳаёти ва ижодига бағишланган «Кўзларида сеҳр бор эди» фильмининг бош ғояси ўзбек киночилигининг нозик қирраларини намойиш этиш, унинг бой тарихига назар солган ҳолда ижодкорларнинг улкан меҳнатларини талқин қилишдир. Фильм тақдимотида сўзга чиққанлар таниқли актёр Тўғон Режаметов ўзбек кино санъати ривожига катта ҳисса қўшган санъаткор бўлганлигини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, у қолдирган мерос ҳозирда кино оламига кириб келаётган ёш актёрларга ўзига хос мактаб деса ҳам бўлади. У 1957-58 йилларда ҳали институтда (ҳозирги Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти) ўқиб юрган кезларида катта саҳналарда бош ролларни ижро эта бошлаган. Т.Режаметовни улкан истеъдод эгасилигига унинг устозлари ўшандаёқ ишонч ҳосил қилишган эди.

«Кўзларида сеҳр бор эди» фильмида у ижро этган «Фидойи», «Қалдирғочлар баҳорда учиб келади», «26-отилмасин», «Сурайё», «Рад қилинган келин» каби кинофильмлардан парчалар ўрин олган. Шунингдек, актёрнинг яқин дўстлари, ҳамкасблари, оила аъзоларининг уни хотирлаб билдирган фикрлари ҳужжатли фильмнинг асосий мавзуси бўлиб хизмат қилди. Актёрнинг уч фарзанди ҳам кино санъатида жавлон уриб меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан суратга олинган «Муҳаммад Юсуф» ҳужжатли фильми эса севимли шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган. Усмон Азим сценарий муаллифлиги остида суратга олинган ушбу фильмда Муҳаммад Юсуфнинг адабиётимиз ва халқимиз олдидаги улкан хизматлари акс эттирилган. Унинг оила аъзолари, дўст ва биродарлари, бошқа ижодкорларнинг хотиралари эса янги ҳужжатли фильмнинг аҳамиятини янада оширган.

**Юлдуз УСМОН**

*Футбол*

## ҒАЛАБАГА ТЕНГ ДУРАНГ

**КЕЧА Абу Даби шаҳридаги «Ал Наҳён» стадионида Бирлашган араб амирликларининг «Ал-Ваҳда» ҳамда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоалари Осиё чемпионлар лигаси баҳсларининг чорак финали биринчи учрашувида ўзаро куч синашди.**

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, учрашув «Пахтакор» футболчиларининг устунлигида ўтди. Аммо, 10-дақиқада тошкентликлар ҳимоячиси Асрор Алиқуловнинг хатоси туфайли мезбонлар футболчиси Ан Антонин дарвозани аниқ нишонга ола билди. Қизиғи, шундан сўнг пахтакорчиларнинг ҳужумлари шиддатли тус олди. Аммо, Кошелев, Шишелов, Солиевлар юзага келган қулай вазиятлардан унумли фойдалана олишмади. Кирян, Тожиев ва Магдиевларнинг захирадан майдонга туширилиши ўз самарасини бериб учрашувнинг 85-дақиқасида ўнг қанотдан мезбонлар дарвозасига йўналтирилган кучли зарба гол билан якунланди. Мухлисларга қувончли дақиқаларни ҳадя этган ушбу тўпни Элдор Магдиев киритди.

Муросасиз беллашувни 1:1 ҳисобида ниҳоясига етказган пахтакорчилар 22 сентябрда Тошкентда «Ал-Ваҳда» жамоасига қарши такрорий учрашувда куч синашадиган бўлишди.

## ГУРУҲДАН ЧИҚА ОЛИШМАДИ

**Ислом Аҳмедов мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг Японияда бўлиб ўтаётган Осиё чемпионатида иштирок этаётгани ва дастлабки икки учрашувдаги натижалар тўғрисида хабар бергандик.**

Гуруҳдаги охирги ўйинни ёш футболчиларимиз қатарлик тенгдошлари билан ўтказишди.

Афсуски, учрашувнинг бошиданоқ ташаббус рақибимиз томонида бўлди. Шу сабабдан 21-дақиқада Юсуфнинг зарбасидан сўнг қатарликлар олдинга ўтиб олишди. Биринчи бўлим ушбу кичик ҳисобда якунланди. Иккинчи бўлимнинг 9-дақиқасида Ал-Абдулла ҳисобни 2:0га етказганидан сўнг терма жамоамиз аъзолари хужумга зўр беришди. Қолган вақт давомида Тўраев ва Бердиев томонидан киритилган тўплар кескин баҳснинг 2:2 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланишига имкон яратди.

Шундай қилиб, гуруҳда дастлабки икки ўринни Қатар ва Ироқ футболчилари эгаллашди. Учинчи ўринни банд этган ҳамюртларимиз чемпионатни тарк этишади.

**(Ўз мухбиримиз)**

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 20-касб ҳунар мактаби томонидан 1999 йили Фазлитдин Сайфутдинов номига берилган №051808 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

*Қадриятларимиз*

# МЕҲРЖОН — МЕҲР ВА МУРУВВАТ БАЙРАМИ





**Мамлакатимизда жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январдаги «Меҳр ва мурувват йили» дастури тўғрисида»ги 40-сонли қарорининг шукроналик ва мурувват ғояларининг ифодаси бўлган анъанавий «Меҳржон» сайлини ўтказишга қаратилган 90-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ушбу боғ маъмурияти, Чилонзор туман ҳокимлиги, «Меҳржон» театр студияси ҳамкорлигида шу йил 22 сентябрь куни соат 11.00 да «Меҳржон — меҳр ва мурувват байрами» номи билан анъанавий «Меҳржон» халқ сайли ўтказилади.**

Қадриятларимиз улуғланган ушбу Меҳржон байрамига Халқаро «Экосан», «Олтин мерос», «Маҳалла», «Нуроний», «Наврўз» жамғармалари, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкор ва ҳомийлик қилмоқдалар. Халқимиз учун қадрли бўлган шодиёна сайл куни Она замин саховати,олтин куз неъматлари — мева, сабзавот, полиз, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазма-савдоси ташкил этилади. Новвойлар растасида нонлар, шунингдек халқ миллий ҳунармандчилиги маҳсулотлари, болалар учун турли хил ўйинчоқлар савдо шохобчалари ташкил қилинади. Бундан ташқари боғ ҳудудида турли халқлар урф-одат ва анъаналари, оилавий маросимларини акс эттирувчи майдончаларда миллий-маданий марказлар қошидаги фольклор ва ижодий гуруҳларнинг чиқишлари намойиш этилади. Шунингдек, белгиланган майдончаларда спорт мусобақалари, стол тенниси, шахмат-шашка турнирлари ўтказилади. Боғнинг икки саҳнасида эса байрам тантаналари бўлиб ўтади. Биринчи саҳнада «Меҳржон-меҳр ва мурувват байрами» мавзуида қизиқарли томошалар намойиш қилинади.

Маълумки, қадимда Наврўз ва Меҳржон байрамлари кенг нишонланиб келинган. 1990 йилда элшунос олим Билол Аминовнинг саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан шаҳримизда Меҳржон байрам сайли ўтказила бошланди. Буюк қомусий аллома Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ҳам Марказий Осиё халқларининг қадимги байрамлари ҳақида шундай деган: «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон заминнинг икки кўзидир». Бу икки байрам она замин мавсумлари—баҳор ва куз ойларида кун билан тун тенглиги кунида белгиланган. Демак, Наврўз 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси нишонланиб, ерга уруғ қадаш фасли бошланиши бўлса, Меҳржон 23 сентябрдан 24 сентябрга ўтар кечаси кун ва тун тенглиги кунида ҳосил йиғиш фасли сифатида бошланиб бир ой давом этади. Халқимиз бу ойни мезон ойи деб атайди. Шу маънода Меҳржон-меҳр-оқибат, мурувват, дўстлик, биродарлик каби ўнлаб тафаккур ва удумларнинг олмос қирраларини намойиш қилувчи бағоят халқона байрам сайлидир.

Меҳржон байрам сайлига марҳабо, азиз ҳамшаҳарлар!

**Гулором ҲАМИДОВА**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.**

**2004 йил 27 сентябрь куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади**

1. "Ссанг Енг Муссо" автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 26-81, бошланғич нархи 7 200 000 сўм, техник носоз;
2. "БМВ-520" автомобили, 1988 йилда чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 23-32 В, бошланғич нархи 4 480 000сўм;
3. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 583, бошланғич нархи 12 960 000 сўм, техник соз;
4. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 479, бошланғич нархи 12 960 000 сўм, техник соз;
5. "Нексия" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AI 236, бошланғич нархи 5 854 057 сўм;
6. "Ваз-2107" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 М 7554, бошланғич нархи 1 800 000 сўм;
7. "Ваз-2108" автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 F 93-33, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
8. "Газ-2401" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 L 64-05, бошланғич нархи 350 000 сўм, техник носоз;
9. "Опель-Кадет" автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 N 68-39, бошланғич нархи 4 000 000 сўм, техник носоз;
10. "Нексия" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 14 G 37-56, бошланғич нархи 2 061 800 сўм, техник носоз;
11. "КАВЗ-685" автобуси, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 811, бошланғич нархи 600 000 сўм;
12. "Паз-3201" автобуси, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 15-07 ТНМ, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
13. М-412 ИЭ ИЖ автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AJ 193, бошланғич нархи 175 000 сўм;

**Ким ошди савдоси соат 16.00да бошланади.**

**2004 йил 19 октябрь куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.**

1. "ДЭУ-Принц" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 16-82, бошланғич нархи 4 530 000 сўм, техник носоз;
2. "Тико" автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 17 М 44-53, бошланғич нархи 5 652 708 сўм;
3. " Газ-31029" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 808, бошланғич нархи 2 284 850 сўм, техник соз;
4. "Ваз-21099" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 181, бошланғич нархи 1 584 576 сўм, техник носоз;
5. "Зил-431410" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AL 357, бошланғич нархи 3 578 620 сўм, техник соз;
6. "Татра-815" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 27 328 400 сўм; техник соз.

**Ким ошди савдолари соат 16-00да бошланади.**

**Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.**

**Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1009. 1 2 3 4 6